

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ**

РАИС ҚАРОРИ

Тошкент ш.

№ 994

2024 йил 31 октябрь

**Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти ҳузуридаги
DSc.33/01.02.2022.Ped.146.01 рақамли илмий кенгаш асосида
бир марталик илмий кенгаш тузиш ҳақида**

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низом», «Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом» асосида Чирчиқ давлат педагогика университетининг мурожатига (26.06.2024 й, №04/1489) кўра ОАК педагогик технологиялар ва психологик тадқиқотлар бўйича эксперт кенгаши (29.10.2024 й., №10) тавсиясига мувофиқ ОАК Раёсатнинг 2024 йил 31 октябрдаги 363/3-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида

1. Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.33/01.02.2022.Ped.146.01 рақамли илмий кенгаш асосида педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига талабгор Сабирова Зебо Бахрамовнанинг 13.00.04 - Жисмоний тарбия, спорт машғулотлари, соғломлаштириш ва адаптив жисмоний тарбия назарияси ва методикаси ҳамда 13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи. Педагогик таълимотлар тарихи ихтисослигидан “Жисмоний имконияти чекланган спортчи-талабаларнинг касбий амалий машғулотларида кластер технологиясини такомиллаштириш” мавзусидаги диссертацияси ҳимоясини ўтказиш учун бир марталик илмий кенгаш тузилсин.

2. Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.33/01.02.2022.Ped.146.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 11 кишидан иборат таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур бир марталик илмий кенгаш ўз фаолиятини ОАК низомлари талаби асосида ташкил этсин ва унинг фаолият кўрсатиш ваколат муддати 2025 йилнинг 31 мартигача белгилансин.

Раис

А.Т.Юсупов



ТАРКИБИ

доктори